

VOL 4. ISSUE 9



JOURNAL OF CONTEMPORARY WORLD STUDIES



zenodo


OpenAIRE | EXPLORE

ISSN

INTERNATIONAL
STANDARD
SERIAL
NUMBER
INTERNATIONAL CENTRE

ISSN:
3030-3311

VOLUME | 4 ISSUE | 9 | APRIL | 2026



JCWS

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИНИШИНИ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

Жўраев Дилмурод Холмўминович


Тошкент халқаро молиявий бошқарув ва технологиялар университети “Молия, Банк иши ва бухгалтерия ҳисоби” кафедраси PhD, катта ўқитувчиси
e-mail: dilmurod8403@mail.ru

ANNOTATION:

Мазкур мақолада акциядорлик жамиятларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда унинг ривожланиш босқичлари иқтисодий трансформация ва глобаллашув шароитида таҳлил қилинган. Тадқиқотда бухгалтерия ҳисобининг молиявий ҳисоботлар шаффофлиги, ишончилиги ва халқаро стандартлар билан уйғунлигини таъминлашдаги ўрни алоҳида ёритилган. Шунингдек, акциядорлик жамиятларида ҳисоб тизимининг институционал ва методологик асослари, корпоратив бошқарув механизмлари, меъёрий-ҳуқуқий база ва манфаатдор томонлар ўртасидаги муносабатлар ўрганилган. Ўзбекистонда миллий бухгалтерия стандартларидан халқаро молиявий ҳисобот стандартларига ўтиш жараёни таҳлил қилиниб, мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш йўналишлари асослаб берилган. Тадқиқот натижалари бухгалтерия ҳисобини самарали ташкил этиш инвестицион жозибадорликни ошириш, корпоратив бошқарувни мустаҳкамлаш ва иқтисодий барқарорликни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

KEYWORDS:

акциядорлик жамиятлари, бухгалтерия ҳисоби, молиявий ҳисобот, халқаро стандартлар, корпоратив бошқарув, шаффофлик, ҳисоб сиёсати, аудит, иқтисодий ривожланиш.



April 20, 2026,
Published Date:
April 22, 2026

Journal Website:

<https://d-pressa.com/index.php/jcws/>

License



This work is licensed under a [Creative Commons Attribution-NonCommercial-NoDerivatives 4.0 International License](https://creativecommons.org/licenses/by-nc-nd/4.0/)

Кириш

Жаҳон иқтисодиётининг жадал ривожланиши, халқаро бозорларга интеграцияланишуви ва хорижий инвесторларни жалб қилишда акциядорлик жамиятларининг молиявий ҳисоботларини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МХХС) асосида тузиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу жараён иқтисодий шаффофликни таъминлайди, хорижий инвесторларнинг ишончини ошириш, капитал бозорларининг рақобатбардошлигини кучайтириш ва иқтисодиётнинг барқарор ўсишига хизмат қилади¹. Акциядорлик жамиятлари жаҳон иқтисодиётида муҳим ўрин тутди. 2023 йил маълумотларига кўра, Германияда 5250 та, АҚШда 5000 та, Жанубий Корея Республикасида 2500 та, Японияда 3800 та, Францияда 1200 та, Буюк Британияда 2000 та ва Россияда 52331 га яқин акциядорлик жамиятлари мавжуд². Ушбу рақамлар асосида юқоридаги мамлакатларда акциядорлик жамиятларининг бухгалтерия ҳисобини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мослигини таъминлаши муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга. МХХС асосида молиявий ҳисоботларни тузиш хорижий инвесторларга шаффоф ва тўғри қарорлар қабул қилиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистонда акциядорлик жамиятлари мустақиллик йилларидан бошлаб миллий стандартлар асосида бухгалтерия ҳисобини юритиб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сонли «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора – тадбирлар тўғрисида»ги

қарорига асосан, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари, акциядорлик жамиятлари, йирик солиқ тўловчи тоифасига кирувчи юридик шахслар молиявий ҳисоботларини халқаро стандартлар асосида тузиши ва тақдим этиши тартиби жорий этилган. Бу эса, хорижий ва потенциал инвесторлар, кредиторлар ва қарз берувчиларнинг ишончини оқлашга ҳамда уларнинг ушбу жамият тўғрисида тегишли қарорлар қабул қилиш учун имкон беради. Шу сабабли, акциядорлик жамиятларида бухгалтерия ҳисоби ва аудитни халқаро стандартлар асосида бозор иқтисодиёти талабларига мувофиқ такомиллаштириш зарурати ушбу йўналишдаги илмий тадқиқотлар олиб бориш кўламини янада кенгайтиришнинг долзарблигини белгилайди.

Адабиётлар шарҳи

Акциядорлик жамиятларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш масалалари хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимлар томонидан кенг ўрганилган бўлиб, уларнинг илмий ишларида мазкур тизимнинг назарий асослари, амалиётдаги қўлланилиши ва ривожланиш тенденциялари атрофлича ёритилган.

Хорижий олимлар тадқиқотларида бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларга мослашуви, молиявий ҳисоботларнинг шаффофлиги ва инвестицион жозибadorликка таъсири асосий ўринни эгаллайди. Жумладан, Robert N. Anthony ва Leslie K. Breitner ўз ишларида бухгалтерия ҳисобини бошқарув қарорларини қабул қилишда муҳим ахборот манбаи сифатида талқин қиладилар³. Улар бухгалтерия тизими

¹ IFRS Foundation. The Importance of IFRS in Global Financial Reporting. 2023.

² World Bank. Global Corporate Statistics and Financial Reporting 2023.

³ Robert N. Anthony, Leslie K. Breitner. *Accounting: Text and Cases*. – New York: McGraw-Hill, 2007.

самарадорлиги корхона фаолиятининг стратегик ривожланишига бевосита таъсир қилишини таъкидлайдилар.

Шунингдек, Kees Camfferman ва Stephen A. Zeff томонидан халқаро молиявий ҳисобот стандартлари (IFRS)нинг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари чуқур таҳлил қилинган⁴. Уларнинг фикрича, халқаро стандартларга ўтиш компаниялар фаолиятининг очиклиги ва глобал бозорларда рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади.

МДХ мамлакатлари олимлари ишларида эса бухгалтерия ҳисобини миллий иқтисодиёт хусусиятларига мослаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, Я.В. Соколов бухгалтерия ҳисобининг ривожланишини тарихий ва институционал жиҳатдан ўрганиб, унинг иқтисодий муносабатлардаги ўрнини асослаб берган⁵. Шунингдек, В.Ф. Палий бухгалтерия ҳисобининг назарий асосларини такомиллаштириш ва унинг амалиёт билан уйғунлигини таъминлаш масалаларини тадқиқ қилган⁶.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар ҳам мазкур йўналишда салмоқли илмий изланишлар олиб борган. Жумладан, Б.Ю. Ходиев ва Ш.Р. Ҳамидуллаев ишларида миллий иқтисодиётда бухгалтерия ҳисобини ислоҳ қилиш, уни халқаро стандартларга мослаштириш ва корпоратив бошқарув

тизими билан интеграциялаш масалалари ёритилган⁷.

Тадқиқот методологияси.

Мақолада таққослаш, гуруҳлаш, анализ ва синтез, индукция ва дедукция, иқтисодий математик, дисконтлаш ва бошқа усуллардан кенг фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар.

Акциядорлик жамиятининг манфаатдор тарафлари (акциядорлар, кузатув кенгаши, ижроия органи, кредиторлар, давлат ва бошқалар) ўртасида самарали алоқа ўрнатиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда акциядорлик жамиятини ривожлантиришга қаратилган ҳаракатлар йиғиндисидир.

Акциядорлик жамиятлари мулкчилик шакли сифатида икки ёки ундан ортиқ акциядорлар (таъсисчилар) иштирок этган хўжалик жамиятларига тааллуқлидир. Шунингдек, бошқа хўжалик жамиятларида иштирокчилар сонига чекловлар мавжудлиги сабабли акциядорлик жамияти шаклидаги ташкилотларнинг аҳамияти ошиб бормоқда.

Жамият юридик шахс сифатида таъсис этилиши ёки қайта ташкил этилиши мумкин - қўшиш, бўлиш, ажратиб чиқариш ёки бошқа ўзгартириш йўли билан. Акциядорлик жамияти ташкил этиш тўғрисидаги қарор таъсисчиларнинг умумий йиғилишида қабул қилинади.

⁴ Kees Camfferman, Stephen A. Zeff. *Financial Reporting and Global Capital Markets: A History of the International Accounting Standards Committee, 1973–2000*. – Oxford: Oxford University Press, 2007.

⁵ Я.В. Соколов. *Бухгалтерский учет: от истоков до наших дней*. – Москва: ЮНИТИ, 2006.

⁶ В.Ф. Палий. *Теория бухгалтерского учета*. – Москва: Финансы и статистика, 2004.

⁷ Б.Ю. Ходиев. *Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида бухгалтерия ҳисоби ва аудитни такомиллаштириш*. – Тошкент, 2018.

Ш.Р. Ҳамидуллаев. *Корпоратив бошқарув ва молиявий ҳисоботни такомиллаштириш масалалари*. – Тошкент, 2020.

Умумий йиғилишда жамиятнинг устав фонди, акциялар сони ва турлари, акцияларни жойлаштириш санаси, акциядорларнинг рўйхати, фаолият йўналиши ҳамда ижроия органи раҳбари белгиланади, шунингдек, таъсис ҳужжатлари тасдиқланади.

Таъсис ҳужжатлари деб устав ҳамда таъсис шартномаси тушунилади (акциядор битта шахс бўлганда таъсис шартномаси тузилмайди). Таъсис шартномасида акциядорлар (таъсисчилар)нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари кўрсатилиб, қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

- устав;
- таъсис шартномаси;
- гувоҳнома.

Агар акциядорлик жамиятининг таъсисчиси битта шахс бўлса, умумий йиғилиш ўтказилмайди ва қарор ягона акциядор томонидан қабул қилинади.

Жамият ижроия органи раҳбари таъсис ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун давлат хизматлари марказига мурожаат қилади ва давлат органи томонидан акциядорлик жамиятининг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома берилади.

Давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг акциядорлар бир йил ичида устав фондини шакллантиришади, бу учун улар ўз улушларини пул ёки бошқа мулклар кўринишида киритадилар. Мулкга асосий воситалар, асбоб-ускуналар, моддий ёки номоддий активлар киради.

Ижроия органи акциядорлардан акцияларни жойлаштириш учун маблағ ёки мулкни қабул қилиб, уларни мумкин:

қимматли қоғозлар бозорини тартибга солувчи давлат органида давлат рўйхатидан ўтказиш учун ариза топширади.

Кейинги акциядорлар йиғилишларида кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси аъзолари сайланади ва ташкилотнинг ташкилий тузилмаси тасдиқланади. Умумий йиғилиш баённомаси йиғилиш раиси ва котиби томонидан имзоланади.

Умумий йиғилишда кворумни аниқлаш мақсадида санок комиссияси сайланади. Умумий йиғилишларни чақириш ва ўтказиш, баённомаларни расмийлаштириш "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Бухгалтерия хизмати бозор иқтисодиёти инфратузилмасининг муҳим бўғини бўлиб, у бозорда иштирок этувчи деярли барча томонларни ахборот билан таъминлайди. Оммавий молиявий ҳисоботлар хўжалик фаолиятининг ҳолатини, жамият томонидан тузилган битимлар натижаларини акс эттиради. Ушбу ҳисоботлар асосида битимларда иштирок этувчи тарафлар манфаатлари мувозанати таъминланади, нархлар ва фоиз ставкалари белгиланади ҳамда инвестицияларга оид қарорлар қабул қилинади.

Бухгалтерия тизими ижтимоий-иқтисодий алоқаларнинг бутун мажмуасини ахборот билан таъминлайди, улар орасида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш



Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган акциядорлик жамиятларининг амал қилувчи меъёрий-ҳуқуқий базаси ҳамда халқаро молиявий ҳисобот стандартлари асосида молиявий ҳисобот шакллари муайян таркибда белгилаш мақсадга мувофидир, деб ҳисоблаймиз. Ҳозирги вақтда акциядорлик жамиятлари миллий бухгалтерия стандартларига таяниш ҳолатида бухгалтерия ҳисобини ташкил этмоқда, аммо халқаро стандартларга мослаштириш жараёнида молиявий ҳисобот шакллари ҳамда мазмуни

шакллантирилмоқда. Шу билан бирга, бу ҳолат хорижий инвесторлар ва потенциал кредиторлар талабларига тўлиқ жавоб бермайди.

Акциздорлик жамиятларининг молиявий ҳисоботларини тўғри шакллантириш учун 8-БҲХС «Ҳисоб сиёсати, ҳисоб баҳоларидаги ўзгаришлар ва хатолар» ҳамда 1-сон БҲМС «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот» асосий тушунчаларни ва қоидаларни тавсифлаш ўртасидаги фарқларни қуйидаги жадвалда расмийлаштирамиз (1-жадвал).

1-жадвал

8-сон МҲХС ва 1-сон БҲМСларидаги асосий тушунчаларнинг солиштирма жадвали

8-сон МҲХС	1-сон БҲМС
Стандартининг мақсади Ҳисоб сиёсатини танлаш ва ўзгартириш учун мезонларни ўрнатиш ҳамда ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришлар, ҳисоблаб чиқилган баҳоларидаги ўзгаришлар ва хатоларни тузатишни ҳисобга олиш тартибини ва уларга тегишли очиб бериладиган маълумотларни белгилашдан иборатдир.	Ушбу стандартнинг мақсади Ушбу БҲМС хўжалик юритувчи субъектнинг турли ҳисобот даврларидаги молиявий ҳисоботлари, шунингдек турли хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисоботлари қиёсланишини таъминлаш мақсадида хўжалик юритувчи субъект молиявий ҳисоботини шакллантириш ва тузиш учун асосларни белгилаб беради.
Ушбу Стандарт ҳисоб сиёсатини танлашда ва қўллашда, шунингдек ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришларни, ҳисоблаб	Ушбу БҲМС умумий мақсадларга мўлжалланган молиявий ҳисоботларни тайёрлаш чоғида қўлланилади, улар

чиқилган баҳолардаги ўзгаришларни ва олдинги давр хатоларини тузатишни ҳисобга олишда қўлланилиши керак.

Олдинги давр хатоларини тузатишнинг ва ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришларни қўллаш учун қилинган ретроспектив тузатишларнинг солиқларга бўлган таъсири БҲХС 12 «Фойда солиқлари»га мувофиқ ҳисобга олинади ва очиб берилади.

ушбу стандартнинг 12-бандида келтирилган. Айрим хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисоботини тайёрлаш чоғида ҳам, жамланган молиявий ҳисоботни тузиш чоғида ҳам шу стандартга амал қилиш зарур.

Ушбу БҲМС қуйидагиларга қўлланилади:

Ҳисоб сиёсатини шакллантириш бобида - мулкчилик шаклидан қатъи назар барча хўжалик юритувчи субъектларга;

Ҳисоб сиёсатини очиб бериш бобида - қонунга, таъсис ҳужжатларига мувофиқ ёки ўз ташаббуси билан молиявий ҳисоботини эълон қилувчи хўжалик юритувчи субъектларга.

Ушбу БҲМС банклар, бюджет ва суғурта жамиятларининг молиявий ҳисоботни тузиш тартибига нисбатан амал қилмайди.

Юқорида кўриб чиқилган солиштирмалардан келиб чиққан фарқларни бартараф этиш чоралари меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўзаро мувофиқлигини таъминлашга хизмат қилади. Шу билан бирга, бу фарқлар инвесторларнинг қарор қабул қилиш

жараёнини секинлаштиради ҳамда ахборотнинг шаффофлигини пасайтиради. Шундай экан, тадқиқот доирасида акциядорлик жамиятларида бухгалтерия ҳисобини тўғридан-тўғри ёки параллел усулда ташкил этишнинг жиҳатларига алоҳида диққат қаратилади.

2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси акциядорлик жамиятларида бухгалтерия ҳисоби ва аудитини ташкил этишнинг меъёрий-ҳуқуқий базаси

Т/р	Меъёрий ҳужжатнинг номи ва ишлаб чиқиш доираси
1.	Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги 2014 йил 6 май, ЎРҚ-370-сон Қонуни.
2.	Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги 03.06.2015 йилдаги ЎРҚ-387-сон Қонуни.
3.	Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги 13.04.2016 й., ЎРҚ-404-сон Қонуни.
4.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Акциядорлик жамиятларида замонавий акциядорлик жамияти услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 24.04.2015 йилдаги ПФ-4720-сон Фармони.
5.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 24.02.2020 йилдаги ПҚ-4611-сон Қарори.

6.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Устав фондида давлат улуши бўлган жамиятларнинг самарали бошқарилишини ва давлат мулкининг зарур даражада ҳисобга олинишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 16.10.2006 йилдаги 215-сон Қарори.
7.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Акциядорлик жамиятларида акциядорлик жамияти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 02.07.2014 йилдаги 176-сон Қарори.
8.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида»ги 28.07.2015 йилдаги 207-сон Қарори.
9.	Корпоратив бошқарув кодекси АЖ фаолияти самарадорлигини ошириш ва акциядорлик жамияти тизимини такомиллаштириш комиссияси йиғилишининг 11.02.2016 йилдаги 02-02/1-187-сон баённомаси.
10.	Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 25 февралдаги «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги ЎРҚ-677-сон Қонун.
11.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 августдаги «Аудиторларни сертификатлаштириш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5210-сон Қарор.
12.	Ўзбекистон Республикаси 2018 й 19 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3946-сон Қарор.
13.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 11 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси ҳудудда қўллаш учун аудитнинг халқаро стандартларини тан олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 171-сон Қарор.
14.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 5 майдаги «Ички аудит хизмати ходимларини тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 280-сон Қарор.
15.	2021 йил 24 сентябрдаги «Аудиторнинг малака сертификатини малака имтиҳонини топширмасдан бериш ва муддатини узайтириш учун асос бўладиган бухгалтерларнинг халқаро сертификатлари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги 56-сон буйруғи (АВ томонидан 2021 йил 29 сентябрда 3321-сон билан рўйхатга олинган).
16.	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2018 й 14 ноябрдаги «Аудиторлик ташкилотлари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадни легаллаштиришга, терроризмни молиялашга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш»га қарши курашиш» бўйича ички назорат Қоидалари 145-сон буйруғи(АВ томонидан 2018 й 15-декабрда 3101-сон билан рўйхатга олинган)буйруғи.
17.	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2013 йил 9-сентябрдаги 83-сон «Акциядорлик фаолияти тўғрисидаги маълумот шакли ва уни тўлдириш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (АВ томонидан 2023 йил 9-октябрда 2515-сон билан рўйхатга олинган) буйруғи.

Акциядорлик жамиятларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш жараёни қонунчилик асослари, халқаро стандартлар ҳамда корпоратив бошқарув ва аудит талаблари мослашуви нуктаи назардан ривожланмоқда. Ушбу

жараённинг ҳар бир босқичи бухгалтерия ҳисобининг сифат ва самарадорлигини оширишга ҳамда жамиятларнинг молиявий аҳволини аниқ ва холис акс эттиришга қаратилган. Мамлакатимиздаги амал қилаётган

меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва халқаро молиявий ҳисобот стандартларининг талаблари доирасида акциядорлик жамиятларида бухгалтерия ҳисоби миллий ва халқаро стандартлар асосида турлича йўл билан амалга оширилмоқда.

Республикамизда акциядорлик жамиятлари фаолиятини тартибга солувчи асосий меъёрий ҳужжатлар қаторида "Акциядорлик жамияти ва акциядорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун" муҳим ўрин тутди. Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этишга оид концептуал асослар ҳужжати алоҳида стандарт ҳисобланмасада, у молиявий ҳисобот сифатида қўйиладиган асосий талабларни белгилашда ва муаммоли ҳолатларда қарор қабул қилишда муҳим аҳамиятга эга. Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ равишда ишлаб чиқилган ушбу концептуал асослар миллий ва халқаро молиявий ҳисобот платформалари ўртасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва ҳисоботларнинг солиштирилишини осонлаштиришга хизмат қилади.

Хулоса ва тақлифлар

Юқорида олиб борилган таҳлиллар асосида шуни таъкидлаш мумкинки, акциядорлик жамиятларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш тизими замонавий иқтисодий шароитларда муҳим институционал аҳамият касб этади. Айниқса, глобаллашув жараёнлари, халқаро капитал бозорлари билан интеграциялашув ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш шароитида бухгалтерия ҳисобининг шаффофлиги, ишончилиги ва халқаро стандартларга мувофиқлиги устувор аҳамиятга эга бўлиб бормоқда.

Тадқиқот натижаларига кўра, Ўзбекистонда акциядорлик жамиятларида бухгалтерия ҳисобини

ташкил этиш миллий стандартлардан халқаро молиявий ҳисобот стандартларига босқичма-босқич ўтиш жараёнида ривожланмоқда. Бироқ, амалдаги айрим меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасидаги номутаносибликлар, ҳисобот шакллари ва мазмунидаги фарқлар, шунингдек, амалиётдаги методологик муаммолар ушбу жараён самарадорлигини маълум даражада чеклаб қўймоқда.

Менинг фикримча, акциядорлик жамиятларида бухгалтерия ҳисобини янада такомиллаштириш учун қуйидаги тақлифларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

Биринчидан, миллий бухгалтерия стандартлари билан халқаро молиявий ҳисобот стандартлари ўртасидаги тафовутларни босқичма-босқич бартараф этиш ва уларни уйғунлаштириш механизмларини кучайтириш зарур. Бу эса молиявий ҳисоботларнинг халқаро миқёсда тан олиншини таъминлайди.

Иккинчидан, ҳисоб сиёсатини шакллантириш ва қўллашда ягона методологик ёндашувларни жорий этиш ҳамда амалиётга татбиқ этиш муҳим ҳисобланади. Бу бухгалтерия маълумотларининг солиштирмалилигини ва аниқлигини оширади.

Учинчидан, акциядорлик жамиятларида бухгалтерия ва аудит тизимини рақамлаштириш, замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш орқали ҳисоб жараёнларининг самарадорлигини ошириш лозим.

Тўртинчидан, бухгалтерлар ва аудиторларнинг малакасини ошириш, халқаро сертификатлаш тизимларини кенг жорий этиш орқали инсон капитали сифатини яхшилаш муҳим аҳамиятга эга.

Бешинчидан, молиявий ҳисоботларнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш мақсадида корпоратив бошқарув механизмларини такомиллаштириш, ички назорат ва аудит тизимларини кучайтириш талаб этилади.

Хулоса қилиб айтганда, акциядорлик жамиятларида бухгалтерия ҳисобини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш нафақат корхоналарнинг молиявий барқарорлигини таъминлайди, балки мамлакат иқтисодиётининг инвестицион жозибadorлигини оширишга ҳам хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. IFRS Foundation. The Importance of IFRS in Global Financial Reporting. 2023.
2. World Bank. Global Corporate Statistics and Financial Reporting 2023.
3. Robert N. Anthony, Leslie K. Breitner. Accounting: Text and Cases. – New York: McGraw-Hill, 2007.
4. Kees Camfferman, Stephen A. Zeff. Financial Reporting and Global Capital Markets: A History of the International Accounting Standards Committee, 1973–2000. – Oxford: Oxford University Press, 2007.
5. Я.В. Соколов. Бухгалтерский учет: от истоков до наших дней. – Москва: ЮНИТИ, 2006.
6. В.Ф. Палий. Теория бухгалтерского учета. – Москва: Финансы и статистика, 2004.
7. Б.Ю. Ходиев. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида бухгалтерия ҳисоби ва аудитни такомиллаштириш. – Тошкент, 2018.
8. Ш.Р. Ҳамидуллаев. Корпоратив бошқарув ва молиявий ҳисоботни такомиллаштириш масалалари. – Тошкент, 2020.

9. Жўраев Д.Х. Акциядорлик жамиятларида ҳисоб сиёсатини тузишнинг ўзига хос хусусиятлари.// Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги-ЎЗА “илм-фан бўлими” электрон журнал -Тошкент, 2024. Май №5.(55)